

Аллоҳни таниш ва тавҳидни билиш вожиблиги ҳақида

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Абдурраҳмон ибн Носир
Саъдий



Таржима: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

الحث على العلم ووجوب معرفة الله وتوحيده



الشيخ عبد الرحمن بن ناصر السعدي



ترجمة: أبو جعفر البخاري
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Шаръий билим олишга рафбатлантириш ҳамда
Аллоҳни таниш ва тавҳидни билиш вожиблиги
Ҳақида

—  **Биринчи хутба**  —

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ўзи яхшилик қилишни хоҳлаган бандасининг мақомини илм ва иймон билан кўтарган, ҳидоятдан юз ўгирган бандаларини ҳалокат ва хорлик сари етаклаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Мен «Шериксиз ва ягона Кариму Маннон бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Унинг бандаси ва элчиси бўлиб, Аллоҳ унда фазилат, чирой ва эҳсонларни тўқис қилганига» гувоҳлик берман. Аллоҳим, Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи, саҳобалари ва Унга Қиёматгача издош бўлганларга салавоту саломлар йўлла!

Сўнг ...

Ҳой одамлар!

Аллоҳдан тақво қилингиз ва билингизки, сизлардаги тақво куфр, фисқ ва осийликдан сақланиш йўлларини билиш билангина тўқис

бўлиб, иймон асослари, Ислом шариатлари ва эҳсон ҳуқуқларини адо этишингиз билангина устувор туради.

Шундай экан, (шаръий) илм излаш — энг кучли фарз ва энг муҳим вожиблардандир. Чунки шаръий билим, тоат-ибодатларни қилиш ва шариатга зид нарсалардан воз кечишнинг асосидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ким учун яхшиликни хоҳласа, уни динда фақиҳ (билимдон) қилиб қўяди», – дедилар (Имом Бухорий 69, 2884, 6768; Имом Муслим 1719, 1721, 3549; Ибн Ҳиббон 89, 310; Термизий 2569; Ибн Можа 216, 217; Доримий 224, 225, 226, 2569).

Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳламаса, уни илм излашдан ва илмга қулоқ солишдан юз ўгиртириб қўяди-да, у одам ҳалокатга учрайдиган кимсалар қаторида, ўзига фақатгина зарарларни жалб қилиб, манфаатларни тарк қиладиган ва арзон савдогагина рози бўладиган бўлиб қолади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат бўстонлари олди-дан ўтсангизлар, яйранглар!» дедилар. Саҳобалар: «Жаннат бўстонлари нималар?» деб савол беришганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам: «Зикр Ҳалқалари», – дея жавоб бердилар (Термизий 3432; Имом Аҳмад 12065, 12523; Баззор 6500, 6908).

Бу кўз қамаштираётган бўстонларда Ҳар илмнинг турфа турлари бордир. Бу бўстонларда Аллоҳни танилади, Сиротум Мустақийм — Тўғри Йўлни топилади, Ҳалол ва Ҳаром, эзгулик ва фасод танилиб, залолат ва зулм йўллари билан, Ҳидоят ва тўғрилиқ йўллари ажратилади. Шундай экан, сизлар қандай қилиб бу бўстонларга ўйин-кулгу ва вақт исрофининг ўчоғи бўлган маконларни, разолат ва фасод ўтиришларини алштирмақдасизлар?!!

(Шаръий) илм излаш савоб ва Аллоҳ Ҳузуридаги яқинлик бўлса, ундан юз ўгириш очиқ зарар ва зиёндр.

Ҳой сиз илм излашдан юз ўгирган кимсалар, Аллоҳ Ҳузурида нимани баҳона қиласиз?! Ахир соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибсизларку?! Аллоҳнинг ризқлари ичида сузиб юрган бир пайтингизда, шаръий илм олишингиз йўлида нима нарса сизларга тўғаноқ бўлмоқда?!

Сизлар ўзингизни яйловда ўтлаб юрган Ҳайвонлардек бўлишингизни хоҳлаяпсизларми?!

Наҳотки сизлар майлликларни Ҳидоят, Қалбларингизни эса беқарор қилиб олишни хоҳласангиз?!

Наҳотки, қаровсиз бўлган жаҳолат йўлларида юриб, очиқ манфаатлар мужассам бўлган Ҳидоят йўлидан воз кечсангиз?!

Сиз: **«Роббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким?»** деб сўроқланганда жавоб бера олмасликка, наҳотки, рози бўлсангиз?! Наҳотки, **«Қандай намоз ўқийсан? Қандай ибодат қиласан?»** – деб савол берилганида нотўғри жавоб беришдан уялмасангиз?! Ҳалол ва Ҳаром нима эканини билмасангиз Қандай қилиб савдо-сотик қиласиз?! Бу ҳолатга, тўрт оёқли махлуқлардек яшашга рози бўлганларгина рози бўлиши мумкин!

Аллоҳ сизларга раҳмат қилсин, ўқингиз! Ўқий олмасангиз илм мажлисларига тингловчи ёки фойдаланувчи сифатида иштирок этингиз! Ҳақиқатни ўрганиш учун илм аҳлидан сўрангиз! Агар бундай қилмасангиз ва илм олишдан

бутунлай воз кечсангиз, Ҳалокатга учрайсиз ва зарар кўрасиз!

Илмни ўрганиш энг буюк ибодат, энг афзал итоат ва Аллоҳга яқинлик Ҳамда Еру Осмонлар Роббисининг розилигига эришиш эканини билмайсизларми?!

Бир илм мажлисида ўтириш сизга дунё ва дунёдаги барча нарсага эгалик қилишингиздан кўра яхшироқ бўлиб, у ердан олган мевангиз бирон нарса бас кела олмайдиган фойдадир.

Аллоҳнинг қуллари, Аллоҳдан қўрқингиз ва яратилиш Ғоянгиз бўлган Аллоҳ ва Аллоҳга ибодат қилишни ўрганишга бел боғлангиз! Аллоҳдан эса, Ўз лутфи ва карами билан мададлаб, сизларни муваффақиятга элтишини сўрангиз!

Аллоҳ таоло айтди: **«Ёки кечалари сажда қилган ва қиём-тик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, охиратдан қўрқадиган ва Роббисининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга фарқ бўлган кимса баробар бўладими)?!»** Айтинг: **«Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўладими?!»** Дарҳақиқат фақат ақл

эгаларигина панд-насиҳат оладилар» (Зумар: 9).

Аллоҳ таоло менга ва сизларга Қуръон Азиймни баракали қилсин ...

Иккинчи хутба

Улуғлик ва буюклик сифатлари билан танҳо, кибр ва камолот сифатлари билан якто, махлуқотларига бекаму кўст неъматларини етказиб берган Аллоҳга ҳамду санолар айтаман. Ва «Шериғи бўлмаган, юксак мақом соҳиби ва буюк Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Муҳаммад эса Аллоҳнинг бандаси, элчиси ва барча хислатларда пайғамбарларнинг энг афзали эканига» гувоҳлик бераман. Аллоҳим, Муҳаммадга, оилаларнинг энг шарафлиси бўлган унинг оиласига ҳамда дўстларнинг энг яхшиси бўлган унинг саҳобаларига салавоту саломлар йўлла!

Сўнг ...

Ҳой одамлар, Аллоҳдан тақво қилинглари ва Унга сиғининглари! Чунки Аллоҳ, сизларни Аллоҳга ибодат қилишингиз учун яратди ва айтди: **«Мен инсон ва жинларни Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Зориёт: 56).

Аллоҳ инсонларни Ўзигагина ибодат қилишлари, Аллоҳни таниш, Аллоҳга қайтиш ва барча ишларида Аллоҳга йўналишлари учун

пур-маъно ибодатлар билан, Аллоҳга сиФинишлари мақсадида яратди.

Аллоҳ инсон ва жинларни Аллоҳни танишлари, Аллоҳнинг барча махлуқотларни вужудга келтирган, тайёрлаган, улар эҳтиёжни ҳис этган барча нарсаларни яратган эканини, барча махлуқот ўзи ва барча сифатлари билан Аллоҳга муҳтож эканини билишлари учун яратди.

Аллоҳ уларни, Аллоҳнинг — барча махлуқотлар, оламлар ва ўлкалар Подшоҳи, Дунё ва Охиратдаги ҳукм Аллоҳники, бандалар Аллоҳагина қайтишлари, тақдирлар Аллоҳга қайтиб, Аллоҳдан бошланиши, У, агар бирон нарсани хоҳласа унга: БЎЛ!, деса бўлишига иқрор бўлишлари учун яратди!

Аллоҳ таоло уларни Ўзининг шариат, тақдир ва жиноий аҳкомларини билиб, итоат қилишларини, барча нарса қазо (ҳукм) ва қадар (ўлчов) билан яратилганини, бошларига келган нарса хато қилмаганини билишлари учун яратди.

Аллоҳ — бизнинг Хожамиз бўлиб, мўминлар Аллоҳагина таваккул этадилар. Биз Аллоҳ-

га Робб, Саййид, Режалаштирувчи, Ҳоким — Ўз Ҳукмини юритувчи Зот ўлароқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга расул, башоратчи, огоҳлантирувчи ўлароқ, Исломга эса дин, ҳаёт йўли ва турмуш тарзи ўлароқ рози бўлдик!

Аллоҳ инсон ва жинларни Аллоҳгина ягона илоҳ бўлиб, Ундан бошқа илоҳ йўқ, Унинг рубубияти ва мулкида шериги бўлмаганидек, илоҳлигида ҳам шериги йўқ эканини билишлари учун яратди.

Аллоҳ — барча ишларни Тадбирловчи, Раззоқ ва Холиқ бўлганидек, шукрона ва мақтовларга лойиқ Илоҳ – Маъбуд ҳамдир.

Шунингдек, зоҳирий ва ботиний неъматларнинг бари, лутф ва эҳсон ўлароқ Аллоҳдандир. Шунинг учун ҳам ихлос, муҳаббат, итоат ва бўйинсуниш рамзи ўлароқ қилинган тўқис шукрга лойиқ бўлган зот — Аллоҳдир.

Аллоҳ сизларга лутф қилгани, неъматларни тайёрлагани ва сизларни чиройли қоматда яратган Зот бўлганидек, сизларнинг Маъбудингиз, Умидларингизни боғлаганингиз ва Хожангиз бўлсин!!

Аллоҳ сизларга нажот сари элтадиган соғлом ва қулай динни машруълаштирди. Бас, сизлар Сиротум Мустақийм – Тўғри Йўлда одим отиб, эртаю кеч Аллоҳга яқин бўлинглар! Чунки, сизларнинг Ундан бошқа Роббингиз, сиғинадиган илоҳингиз ва пушту паноҳингиз йўқдир! Орзу ва ишларни амалга оширишда Ундан бошқа суюнчиқ йўқдир! Шундай экан, Аллоҳга зоҳиран ва ботинан ибодат қилинглар! Шояд нажот топарсизлар. Аллоҳдан ёрдам тиланглар ва Унга таваккул қилинглар! Шояд сизларга раҳм қилинар.

Бирон нарсани тиласангизлар, Аллоҳдангина тиланглар! Аллоҳдан бошқа бирон кимсадан тиламанглар! Чунки, яратилган махлуқларнинг барчаси муҳтож ва ожиздирлар. Уларнинг ҳар бири Роббиларига муҳтож ва Ундан умидворлар!

Аллоҳ менга ва сизларга Аллоҳнинг зикри ва шукрини тўқис қилиш ҳамда Унга лойиқ бўлганидек чиройли сиғинишга мададкор бўлсин!

Аллоҳ Ўзини суюш, Уни таниш ва Унга итоат қилишга муваффақ қилиб, бизни Ўз ҳузуридаги неъматларнинг энг яхшисидан қилганимиз

ёмонлик ва гуноҳлар туфайли маҳрум этмасин!
Аллоҳ таоло айтди:

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Роббингизга ибодат қилингиз!» (Бақара: 21).

Аллоҳ таоло менга ва сизларга Қуръон Азиймни баракали қилсин ...

Манба: Ҳикмат нури веб саҳифаси

